



Ислом Нури

Бисмиллаҳ валҳамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ

Муҳаррам ойида нафл рўза тутишнинг фазилати: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг Муҳаррам ойидаги рўзадир, фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир» (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг Муҳаррам ойидаги рўзадир, фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир» (Имом Муслим ривояти).

Бу ҳадисдаги «Аллоҳнинг Муҳаррам ойи» деб ойни Аллоҳга қўшиб айтишдан мақсад, бу ойнинг фазлини баён қилишдир. Мулло Алий ал-Қори «ҳадиснинг зоҳирий маъносидан муҳаррам ойнинг ҳаммаси тушунилмоқда» – дедилар. Лекин, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рамазондан бошқа бирор ойда тўла рўза тутмаганлари собит бўлган. Шунинг учун бу ҳадисдан муҳаррам ойида тўлиқ рўза тутиш эмас балки, унда иложи борича кўпроқ рўза тутишликка тарғиб қилинганлиги тушунилади.

Ошуро кунида рўза тутишнинг фазли

Уламоларнинг сўзларига кўра «Ошуро» муҳаррам ойнинг ўнинчи кунидир.

Унинг фазилатини қуйидаги ҳадислар баён қилади:

Муҳаррам ойида нафл рўза тутишнинг фазилати: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг Муҳаррам ойидаги рўзадир, фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир» (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг айтишига кўра, ҳар ким Муҳаррам ойида нафл рўза тутишга қарор қилса, унинг қилган ҳақлари рамазон ойидаги рамазон рўзасиникига тенг бўлади. Бу ҳақда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ошуро кундаги каби бирор куннинг рўзасини афзал билиб, унинг рўзасини тутишга тиришганларини кўрмадим» ва мана шу ой яъни рамазон ойи(да ҳам шундай тиришар эдилар).

Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг айтишига кўра, ҳар ким Муҳаррам ойида нафл рўза тутишга қарор қилса, унинг қилган ҳақлари рамазон ойидаги рамазон рўзасиникига тенг бўлади. Бу ҳақда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ошуро кундаги каби бирор куннинг рўзасини афзал билиб, унинг рўзасини тутишга тиришганларини кўрмадим» ва мана шу ой яъни рамазон ойи(да ҳам шундай тиришар эдилар).

«Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг айтишига кўра, ҳар ким Муҳаррам ойида нафл рўза тутишга қарор қилса, унинг қилган ҳақлари рамазон ойидаги рамазон рўзасиникига тенг бўлади. Бу ҳақда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ошуро кундаги каби бирор куннинг рўзасини афзал билиб, унинг рўзасини тутишга тиришганларини кўрмадим» ва мана шу ой яъни рамазон ойи(да ҳам шундай тиришар эдилар).»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мен Аллоҳдан Ошуро кунининг рўзасини ўтган йилга каффорот қилишини умид қиламан» (каффорот бирор қилинган ёмон амални ювиб юборувчи амал ёки нарса, ҳадиснинг маъноси ўтган йилда қилинган кичик гуноҳлар.) Аллоҳ таолонинг бизга бу каби унинг рўзаси билан бир йиллик гуноҳ сағираларни ювиб юборадиган бир кунни бериб қўйиши, роббимизнинг мислсиз фазлу қарам соҳиби эканлигига далолат қилади.

Бу кунда яҳудийларга хилоф иш тутиш

Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг айтишига кўра, ҳар ким Муҳаррам ойида нафл рўза тутишга қарор қилса, унинг қилган ҳақлари рамазон ойидаги рамазон рўзасиникига тенг бўлади. Бу ҳақда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ошуро кундаги каби бирор куннинг рўзасини афзал билиб, унинг рўзасини тутишга тиришганларини кўрмадим» ва мана шу ой яъни рамазон ойи(да ҳам шундай тиришар эдилар).



Ислом Нури

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида яҳудийларни Ошуро кунида рўза тутадиганларини кўрдилар ва бу қандай кун деб сўрадилар? Улар: Бу яхши кун, бу кунда Аллоҳ Бани Исроилни душманларидан халос этган ва Мусо у кунда рўза тутган дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен Мусога сизлардан кўра ҳақлироқман» – дедилар ва бу кунда рўза тутдилар ва унда рўза тутишга буюрдилар». (Имом Бухорий ривояти)

«...» :...».

Имом Муслимнинг ривоятларида «Бу улуг кун Аллоҳ унда Мусо ва унинг қавмига нажот берган, Фиръавн ва унинг қавмини ғарқ қилган» дейилган. «Мусо у кунда рўза тутган» ибораси Муслим ривоятларида «Мусо у кунда Аллоҳга шукр қилиб рўза тутган биз ҳам тутамиз» зиёдаси билан келган.

«Бу кунда рўза тутиш жоҳилият даврида пайғамбаримиз келишларидан аввал ҳам маълум бўлган, Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан собит бўлган ривоятда дейдилар: «Жоҳилиятдаги одамлар ҳам у кунда рўза тутар эдилар». Имом Қуртубий айтадилар: «Қурайш бу куннинг рўзасини тутишда Иброҳим алайҳис-салом каби ўзларидан аввалгиларнинг шариатларига мувофиқ амал қилган бўлишлари мумкин. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Маккадалик вақтларида бу кунда рўза тутганлари ривоятларда собит бўлган, Мадинага ҳижрат қилганларида яҳудларнинг бу кунда жамланишиб байрам қилаётганларини кўрдилар, шунда улардан бунинг сабабини сўрадилар, улар юқордаги ҳадисда зикри ўтганидек жавоб бердилар. Пайғамбаримиз яҳудларга хилоф ўлароқ бу кунни байрам қилмасдан балки, унда рўза тутишга буюрдилар. Имом Муслимнинг ривоятларида «Ошуро яҳудлар уни улуглаб байрам қиладиган кун эди» дейилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу кунда рўза тутишга буюришларига ундовчи нарса яҳудларга хилоф иш тутишни севишлик бўлиб уларнинг оғизлари очик бўладиган ийд кунида рўза тутишдир.» («Фатҳул борий



Ислом Нури

шарҳу саҳиҳил Бухорий» даги Ҳофиз Ибн Ҳажарнинг сўзларидан қисқартириб келтирилди).

Яҳудларга янада қаттиқроқ хилоф иш қилиш учун улар бу кунда рўза тутадиган бўлсалар улардан аввал бир кун кўшиб рўза тутишга расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амр этганлар:

Муҳаррамнинг тўққизинчи ва ўнинчи кунларида рўза тутишнинг мустаҳаблиги

...)) :... .. .

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ошурога рўза тутиб ва бунга буюрганларида саҳобалар айтдилар: Бу яҳуд ва насоролар улуғлайдиган кун. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «ин ша Аллоҳ келаси йил бўлса тўққизинчи кунни ҳам тутамиз» дедилар. Келаси йил келмасдан туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар» (Имом Муслим ривояти).

Салаф уламолари тўққизинчи ва ўнинчи кунларда рўза тутиш мустаҳаб дедилар. Чунки, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнинчи кунни тутиб тўққизинчи куннинг рўзасини ният қилган эдилар.



Ислом Нури

Баъзи уламолар тўққиз билан ўнни бирга қўшиб тутишнинг сабаби ўннинг ўзида рўза тутиш билан яхудларга ўхшаб қолмаслик бўлса керак дедилар.

Айтиб ўтилган сўзларга биноан Ошуро рўзасини тутишнинг бир неча кўринишлари бор экан, унинг энг ози фақат ўнинчи кунни тутиш, ундан кейингиси тўққизинчи кунни кўшиб тутиш, ундан кейингиси эса ўнинчига ўн биринчини кўшиб тутиш. Муҳаррамда қанча кўп рўза тутилса шунча яхши.

Ошуро рўзаси нимага каффорот бўлади

Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Барча кичик гуноҳларга каффорот бўлади, бунинг маъноси у (рўза тутган)нинг катта гуноҳларидан бошқа барча гуноҳлари кечирилади деганидир».

Яна сўзларида давом этиб дедилар: «Арафа кунининг рўзаси икки йилга каффорот бўлади, Ошуроники бир йилга, намоз ўқувчининг «омини» фаришталарнинг оминларига мувофиқ келса унинг аввалда қилган гуноҳлари кечирилади. Зикри ўтган амалларнинг ҳаммаси каффорот учун яроқлидир, агар каффорот қилиниши керак бўлган гуноҳ сағиралар топилса каффорот қилади, кабира ҳам сағира ҳам топилмаса бу амаллар соҳибига ҳасанотлар ёзилади, унинг даражаси бир поғонага кўтарилади. Агар бу амаллар битта ёки бир нечта гуноҳ кабирага йўлиқсаю гуноҳ сағираларга йўлиқмаса кабираларни енгиллатишини умид қиламиз» («Алмаммуъ шархул-Муҳаззаб» 6-жуз Арафанинг рўзаси)

Шайхул ислом Ибн Таймийя айтадилар: «Таҳорат, намоз, рамазон рўзаси, Арафа ва Ошуронинг рўзалари гуноҳ сағиралар учунгина каффорот бўлади»



Ислом Нури

Рўзанинг савоби билан алданмаслик

Баъзи кишилар Ошуро ёки Арафа каби кунларнинг рўзаси билан алданиб қоладилар, ҳаттоки баъзилари шундай дейди: Ошуронинг рўзаси бир йиллик гуноҳларни ювиб юборади, Арафанинг рўзаси бўлса зиёдаи ажр бўлиб (фойдага) қолади. Ибнул-Қоййим дейдилар: «Мана бу алданган кимса рамазоннинг рўзаси, беш вақт намоз Арафа ва Ошуро рўзаларидан улуғроқ ва каттароқ эканлигини билмайди, ҳолбуки, намоз ва рўза бир-бирларининг ўрталаридаги сағираларга каффорот бўлиши учун катта гуноҳлардан сақланилган бўлиши шарт. Рамазон келгуси рамазонгача, жума келгуси жумагача ўрталаридаги кичик гуноҳларни ювиб юборишга қодир бўлиши учун унга катта гуноҳларни тарк қилишнинг қўшилиши зарур. Шу икки иш бирлашгандагина гуноҳ сағираларни ювиб юбора оладилар. Баъзи алданган кишилар қилган тоат-ибодатлари гуноҳларидан кўп деб ўйлайди. Бу бечора қилган ёмон амалларини ҳисоб-китоб қилмайди, бирор гуноҳ иш қилиб кўйдиммикин деб ўйламайди ҳам. Бир яхши амал қилса, унга маҳкам ёпишиб олади, бу одам ҳудди тили билан бир кунда юз марта тасбеҳ ёки истиғфор айтган сўнгра мусулмонларни ғийбат қилган ва уларнинг обрўларига путур етказган, қуни бўйи Аллоҳ рози бўлмайдиган гапларни сўзлаган кишига ўхшайди. Бу каби одамлар тасбеҳ ва таҳлилларни улкан-улкан ажрларига қарайдилар ва лекин, ғийбатчи, ёлғончи ва уйдирмачиларнинг жазоларига қиё боқмайдилар, бу қип-қизил хом қаёлликдир».

Бидъатлардан сақланиш

Азиз биродарлар, бу улуғ ойда хар хил бидъат ишлардан узоқ бўлинглар! Баъзи одамлар бу кунни байрам қилсалар бошқалари уни мотам қуни қиладилар. Хар икки амал суннатга хилофдир. Бу кунни мотам қуни қилувчиларнинг даъволарига кўра бу кунда Хусайн ибн Алий розияллоҳу анҳумонинг қатл қилингандир. Улар рофиза-шийъалардир, уларнинг йўлларига эргашиб ислом қайтарган юзига уриб, кўйлақларини йиртиб, доду фарёд чекиб, баданларига занжирлар билан уриб, қонатиб аза тутишдан эҳтиёт бўлинг! Бу ислом динига ёт бўлган бидъат ишдир.



Ислом уларнинг бу амалларидан покдир, Аллоҳ бандаларига меҳрибондир, уларни бу каби ўзини ўзи азоблайдиган амалларга буюрмайди.

Келинг азиз ака-укалар ва опа-сингиллар бу улуғ айёмларда Аллоҳнинг ибодатига тиришайлик, Аллоҳ рози бўладиган ишларни қилиб, у суймайдиган амаллардан четланайлик!

Аллоҳ таоло барчаларимизни ўзи суйиб рози бўладиган амалларга муваффақ айласин, тўғри йўлидан адаштирмасин!

Аллоҳ пайғамбаримизга, унинг оиласи ва саҳобаларига салавот ва саломлар йўлласин!

Тайёрловчи: Абдулҳафиз Домла (раҳимахуллоҳ)

07/03/2003